




**ЎЗБЕКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ
БОҒ ВА БОҒДОРЧИЛИК САНЪАТИ
"КЕЧА, БУГУН ВА КЕЛАЖАКДА" МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АНЪАНАВИЙ
БОҒ ВА БОҒДОРЧИЛИК САНЪАТИ
“КЕЧА, БУҒУН ВА КЕЛАЖАКДА”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ**

КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

Шаҳрисабз ш, 9-10 декабрь 2016 йил

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2016

УДК: 930.25 (045)
ББК 74.03 Ўзб-2
И 90

Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бонқармасининг Реставрация ва муҳофаза қилиш илмий-методик кенгаши мажлисининг 2016 йил декабрь ойидаги 3-сонли баённомаси асосида нашрга тавсия этилди.

Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати
“ кеча, бугун ва келажакда” мавзусидаги халқаро илмий
конференция материаллари: – Т.: “Yangi nashr” нашриёти.
2016. – 136 б.

ББК 74.03 Ўзб-2

ISBN 978-9943-22-246-5

Масъул муҳаррирлар:

*А.Ш. Мирзараҳимов – т.ф.н., Маданият ва спорт ишлари
вазири ўринбосари*

*Ш.Ш. Заиров - Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бонқармаси бошлиғи*

Таҳрир ҳайъати:

*А. Раҳмонов – Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бонқармаси бошлиғи
ўринбосари, бош меъмор.*

*С. Аширов - Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан
фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бонқармаси*

*А.Яркулов - Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан
фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бонқармаси*

*Т.Зарипов - Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан
фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бонқармаси*

Такризчилар:

*М.А. Юсунова – меъморчилик ф.д, Санъатшунослик институти
«Архитектура» кафедраси мудири*

*Н. Хушвақтов – т.ф.н., Шаҳрисабз Амир Темури номидаги
музей директори*

ISBN 978-9943-22-246-5

© “Yangi nashr” нашриёти, Тошкент, 2016

А. Яркулов
*Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш
ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб
чиқариш бош бошқармаси*

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИ ТАРИХИЙ МАРКАЗИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ

1963-1966 йилларда М.Е. Массон бошчилигида Кеш археология-топография экспедицияси тузилган. Ушбу экспедиция умумий тарзда Қарши воҳасининг марказий шаҳарлари топографиясини ўрганган.¹ Ўтган асрнинг 80-йилларида бу экспедиция Қашқадарёнинг юқори оқими ҳудудида иш олиб борган. Тадқиқотлар натижасида археология ёдгорликларини харитага тушириш мақсад килинган эди.

1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилиниши муносабати билан Шаҳрисабз шаҳри марказидаги Оксарой атрофида Амир Темур майдонини барпо этиш ишлари амалга оширилган. Майдон барпо этилаётганда бу ҳудудда археология қазилмалари ва назорати олиб борилган.

Тадқиқотларни олиб бориш учун А.А. Раимкулов бошчилигидаги махсус археология экспедиция ташкил этилган. Экспедиция таркибида таниқли археолог олимлардан Р.Ҳ. Сулаймонов, Ж.К. Мирзааҳмедов, М. Ҳасанов, Л.Соколовская, А.С. Сағдуллаев, Ў.Мавлонов, О.Лушпенко кабилар жалб этилган.

А.А.Раимкулов бошчилигидаги экспедиция томонидан Доруссиядат меъморий мажмуасининг жануб томонида XIV асрга тегишли пишиқ гиштдан қурилган ҳаммомнинг битта хонаси ва оловхонасининг бир қисми очиб ўрганилган.²

2002 йилда меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш-тиклаш ва ободонлаштиришга тайёргарлик ишларини олиб бориш мақсадида ЎЗР ФА археология институти томонидан Дор ут-тиловат ва Дор ус-сиёдат объектларида археология қазилма ишлари олиб борилди.

¹ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев кашкадарын с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.)), 1973, стр.27.

² Шаҳрисабз ҳужалик шартномаси отряди томонидан 2006 йилда Оксарой ёдгорлиги атрофида олиб борилган археология тадқиқотлари тўғрисида ҳисобот. Самарқанд-2007, 3-бет.

Археология қазышма ишларида ЎЗМУ кафедра мудири, профессор Р.Х. Сулаймонов, археология институти доктаранти М. Хасанов, Шахрисабз шаҳри тарих ва моддий маданият музейи ходимлари Б. Мамадиев, А. Тошевлар фаол қатнашишган.¹

Амир Темурнинг 670 йиллик юбилеи муносабати билан 2006 йилда Оқсаройнинг шарқ томонида яна археология қазышма ишлари олиб борилди.

Қазышмадан асосий мақсад Амир Темур ва темурийлар даври маданий қатламларини ўрганиш эди.

Шахрисабз шаҳри меъморчилик объектларига бой бўлиб, бу объектлар ҳақида Марказий Осиёнинг йирик тарихчи ва шарқшунослар томонидан кўп сонли илмий ишлар нашр қилинган. Улар орасида М.Е.Массон ва Г.А.Пугаченковаларнинг “Шахрисабз Темур ва Улугбек давларида” номли илмий нашрни алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Яна бир иш, бу Шахрисабз шаҳар ижроия қўмитаси, ЎЗМУ археология кафедраси ходимлари ва Ўзбекистон маданият вазирлиги ҳамкорлигидаги икки қисмдан иборат муаллифлар жамоасининг “Шахрисабз” номли монографиясидир.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Дор ут-тиловат ўрнида шаҳар кўринишидаги манзилгоҳ VII-VIII асрларда вужудга келган.²

ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”- ги 2014 йил 20 февраль, 31-сонли қарорини бажариш мақсадида ЎЗР Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг Шахрисабз туманлараро инспекцияси, ЎЗФА Археология институти ва Шахрисабз шаҳар Амир Темур номидаги моддий-маданият тарихи музейи ҳамкорлиқда 2014 йил 1 августдан бошлаб шаҳардаги маданий мерос объектларини таъмирлаш-тиклаш ва қурилиш, суриш, текислаш ишлари олиб борилаётган жойларда археология назорати ва қазышма ишлари олиб

¹ Научный отчёт об археологических работах на юбилейных объектах г. Шахрисабз по теме: «Кеп-Шахрисабз – 2700 лет», Самарканд 2002, стр. 3.

² Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Сулаймонов Х.С., Усмонова З.И. Шахрисабз. Часть 2, Ташкент, Университет, 1993, 39.

бордилар. Натижада XIV асрнинг 1-ярмига оид ҳаммом қолдиқлари топилган эди. Унинг маълум бир қисмида қазिशма ўтказилиб, ҳаммом хоналарини иситиш учун имкон берадиган пол ости қурилмалари (мўрилар) ўрганилган эди.

Археология объектини батафсил ўрганиш мақсадида 2015 йил 28 майдан 8 июнгача таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилаётган ҳудудда назорат ишлари олиб борилди. Археология объектини таъмирлаш ва консервация қилиш мақсадида унинг атрофи тўлиқ очилди. Назорат амалга оширилаётган пайтда олдинги қазिशма ишларини янада тўлдирадиган ва бойитадиган қизиқарли маълумотлар қўлга киритилди.

Иншоотнинг томонлари жануб ва шимолда 17,5 метр, Шарқ ва ғарб томонлари 20 метр узунликда очиб тозаланди. Фақатгина ғарбий томони пойдевори тўлиқ сақланган бўлиб, қолган томонларининг пойдевори қисман сақланган.

Мўри йўлакчаларидан 30 см юқорида, деворнинг шарқ томонида шу томонга қараб бир оз нишаб қилиб, қандайдир мустаҳкам қоришмадан ариқча қилинган. Ариқчанинг нишаблик йўналиши бўйича жануби-шарқ томонда, иншоот пойдеворидан 70 см қуйида бир-бирига бириктирилган ҳолда иккита қувур топилди. Қувурнинг диаметри 25-30 см. Бириктирилган жойининг ташқи томонида 3 см лик бўртма ҳосил қилинган. Қувурлардан бири устидан оғир юк босишидан бўлса керак синиб, бўлакларга ажралган. Иккинчиси эса, янги қуйилган бетон тагида қолганлиги сабабли тўлиқ очишнинг иложи бўлмади. Қувурларнинг диаметри-26 см. Деворининг қалинлиги эса 1,5 см гача қалинликда.

Марказий Осиёда ҳаммомларнинг вужудга келиш даври аниқ эмас, лекин, уларнинг уларнинг жадаллик билан қурила бошланиши IX-XI асрларга тўғри келади. Бу тўғрисида Афросиёбдан топилган ҳаммом мажмуалари гувоҳлик беради.¹ Шу даврдан ҳаммомлар кенг оммалашади. Ҳозирги пайтда Афросиёбда бешта ҳаммом ўрганилган.²

Шаҳрисабз шаҳридаги ҳаммомнинг иситиш тизими Афросиёбда ўрганилган XIV-XV асрлардаги ҳаммом иситиш тизимига яқин туради.³

¹ Шишкина Г.В. Городской квартал VIII – нач. XI в. на северо-западе Афрасиаба. – Афрасиаб, вып. 2, Ташкент, 1973, стр. 127-145.

² Бурякова Ю.Э. раскопки бань на территории средневекового Самарканда. ИМКУ, вып. 20, Ташкент, изд-во «Фан», 1986, стр. 162

³ Шишкина Г.В. Городской квартал VIII – нач. XI в. на северо-западе Афрасиаба. – Афрасиаб, вып. 2, Ташкент, 1973, стр. 170.

Тўпланган маълумотлардан келиб чиқиб, бу археология объекти ҳаммом қолдиқлари эканлиги ўз тасдиғини топди. XIV асрнинг 1-ярмига оид ҳаммом қолдиғи мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни билан боғлиқ равишда қурилган бўлиши мумкин. Ҳаммомнинг остки қатламларидан топилган қулолчилик буюмлари қорахонийлар даврига оид эканлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга бу иншоот бузиб юборилган бино қолдиқлари устига қурилганлиги, иккита қурилиш даври мавжуд эканлиги аниқланди.

Ҳозирги пайтда бу археология объекти консервация қилиб қўйилган.

Ҳаммомдан йирик диаметрдаги қувурдан сув чиқарилганлигига қараганда шаҳарда ўз вақтида сув оқава тизими (канализация) мавжуд эканлигини билиш мумкин бўлади. Унинг шимолдан жанубга томон йўналтирилганлиги эса бу тизимдан чиқиб кетувчи оқава сувнинг оқими жануб томонга эканлигини кўрсатади. Оқава сув тизими шаҳардаги сизот сувлар сатҳининг кўтарилиши олдини олишга ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга ҳаммомнинг XIV асрга таъаллуқли эканлиги шаҳардаги ер сатҳининг ўша даврдаги ҳолатини ҳам белгилаб беради. Бу археология объекти Оқ Сарой, Кўк Гумбаз ва Дор ус-Сийдат каби ёдгорликлар қурилган даврдаги ер сатҳининг баландлигини билдирувчи ўзига хос бир белги бўлиб хизмат қилади. Сизот сувларнинг сатҳи кўтарилиши олдини олишга оқава сув тизими билан бирга йирик ёдгорликлар атрофига экилган тут ва бошқа ҳар хил дарахтлар ҳам катта таъсир ўтказган бўлиб, улар ўзига хос биологик дренаж вазифасини ҳам ўтаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев кашкадарьи с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.)), 1973.

2. Шахрисабз хўжалик шартномаси отряди томонидан 2006 йилда Оксарой ёдгорлиги атрофида олиб борилган археология тадқиқотлари тўғрисида ҳисобот. Самарқанд-2007.

3. Научный отчёт об археологических работах на юбилейных объектах г. Шахрисябз по теме: «Кеш-Шахрисябз – 2700 лет», Самарканд 2002.

4. Дресвянская Г.Я., Лунина С.Б., Султонов Х.С., Усмонова З.И. Шахрисябз. Часть 2, Ташкент, Университет, 1993.

5. Шишкина Г.В. Городской квартал VIII – нач. XI в. на северо-западе Афрасиаба. – Афрасиаб, вып. 2, Ташкент, 1973.

6. Бурякова Ю.Э. раскопки бань на территории средневекового Самарканда. ИМКУ, вып.20, Ташкент, изд-во «Фан», 1986.

*Назаров Хумоюн Алишерович
главный специалист, Главного научно-производственного
управления по охране и использованию объектов
культурного наследия*

РАЗВИТИЕ АРХИТЕКТУРНОГО ДЕКОРАТИВНОГО ИСКУССТВА В ЭПОХУ ТИМУРИДОВ.

Художественное наследие Тимуридской эпохи - одна из ярчайших страниц в истории искусства Средней Азии. Безусловно, деятельность Амира Тимура и Тимуридов внесла огромный вклад в развитие архитектуры эпохи.

Эпоха Тимуридов стала временем активизации процесса развития техники архитектурного декора. Побудительным мотивом теперь выступают не только потребности искусства, но и политическая деятельность эмира Тимура, стремившегося к созданию централизованного государства.

Начиная с 1379 г. Тимур собирал ремесленников и архитекторов из побежденных стран, сначала из Хорезма, потом из Тебриза и Шираза, и наконец из Индии и Сирии. Памятники, на которых появляются их подписи, носят черты раннего Тимуридского стиля. Этот стиль, отличающийся монументальностью, получил развитие при покровительстве Тимура между 1390 и 1405 гг.

Тимуридская архитектура служила также средством передачи идеи. Изученные архитектурные памятники эпохи Тимуридов показывают, что высота зданий была одной из целей заказа, это подтверждают письменные источники.

МУНДАРИЖА

Алимов У., Мадраимов А. Садово-парковое искусство темуридов и его традиции	3
Гильманова Н.В. Композиционные традиции в садово-парковых сооружениях эпохи Амира Тимура».....	15
Хушвақов Н. О. Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги истироҳат боғлари	22
Раҳмонов Ф.Ш., Ҳасанов А. Амир Темур ва темурийлар даврида зироатчилик равнақи	34
Бўриев О., Турсунов А. Амир Темур ва темурийлар даврида ирригация тизими.....	40
Эшов.Б.Ж. Амир Темурнинг истироҳат боғлари	46
Раимқулов А.А. Амир Темур ва темурийлар даври боғларининг шаклланиши борасида айрим мулоҳазалар.	50
Яркулов А.А. Шаҳрисабз шаҳри тарихий марказидаги археология тадқиқотлари	60
Назаров Х.А. Развитие архитектурного декоративного искусства в эпоху Тимуридов.	64
Полвонов Н.Т., Нарзуллаев У.М. Темурийлар даврида ободончилик ва таълим тизими.....	69
Мамадиев Б., Бобожонов Б. Шаҳрисабз тарихий маркази маданий меросига назар.....	82
А.Дўланов. Ёшларда эркин фикрнинг шакллантиришда табиат, урф-одат ва анъаналарнинг аҳамияти	89